



Махсудова Муниса Зарифовна.

Бухоро туманлараро иқтисодий суди судьяси

Юридик шахс иштирокчиларининг умумий йиғилиши ҳамда умумий йиғилиш фаолияти билан боғлиқ корпоратив низоларни судда кўришнинг ўзига хос жиҳатлари.

Ушбу мақолада корпоратив бошқарув тушунчаси, корпоратив муносабатларнинг ривожланиш тарихи, корпоратив бошқарув органлари фаолиятини ҳамда қонун нормалари билан тартибга солиниши ва уни такомиллаштириш масалалари илмий таҳлил қилинган, натижаси юзасидан тегишли таклиф, фикр ва мулоҳазалар билдирилган.

В данной статье представлены понятие корпоративного управления, история корпоративных отношений и понятие корпоративного управления и вопросы регулирования в законодательстве, а также мнения и обсуждения по совершенствованию деятельности корпораций и их органов.

This article presents the concept of corporate governance, the history of corporate relations and the concept of corporate governance and regulatory issues in legislation, as well as opinions and discussions on improving the activities of corporations and their bodies.

Таянч сўзлар: тадбиркорлик субъектлари, корпорациялар, хўжалик жамиятлари, таъсисчиларнинг умумий йиғилиши, ижроия органи.

Ключевые слова: субъекты предпринимательства, корпорации, общество с ограниченной ответственностью, общество с дополнительной ответственностью, акционерное общество, хозяйственное общество, общее собрание, исполнительный орган, наблюдательный совет (совет директоров).

Бугунги кунда юридик шахсларнинг, хусусан, корпорацияларнинг фаолияти тобора ривожланиб бориши корпоратив бошқарув органларининг вазифалари, ваколатлари ҳамда мажбуриятларини янада такомиллаштириш ва бу борадаги фикрлар хилма-хиллигини ўрганишни талаб қилмоқда.

Корпоратив бошқарувга оид жаҳон тажрибасига ҳам назар солсак, корпоратив бошқарув органларида, айнан корпорациялар умумий йиғилиши фаолиятига оид ҳар хил амалиётни кузатишимиз мумкин. Юридик шахс иштирокчиларининг умумий йиғилишига тўхталишдан олдин юридик шахс бошқарув органларини қисқача муҳокама қилсак.



Юридик шахс, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, корпорация бу жисмоний шахсга ўхшамайди, у билан қўл бериб кўришиб бўлмайди, балки корпорация номидан унинг иштирокчилари ва органлари ҳаракат қилади.

Маълумки, корпоратив бошқарув органлари тушунчаси унинг ҳуқуқий табиати билан ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Фуқаролик ҳуқуқи фанида юридик шахс органининг моҳияти анча баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келган. Юридик шахс органининг моҳиятига оид турли нуқтаи-назарлар орасида икки хил қараш устунлик қилади .

Бизнинг қонунчиликда юридик шахс (корпорация) органлари тушунчасига аниқ қонуний таъриф мавжуд эмас .

Бирок, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 45-моддасининг учинчи қисмида қонунга ёки юридик шахснинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ юридик шахс номидан иш олиб борадиган шахс ўзи вакили бўлган юридик шахс манфаатлари йўлида ҳалол ва оқилона иш олиб бориши керак. У юридик шахс муассислари (иштирокчилари, аъзолари) талаби билан, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, юридик шахсга етказган зарарини тўлаши шартлиги белгиланган.

Биринчи қараш тарафдорлари, юқорида келтирилган норма мазмунидан келиб чиққан ҳолда, яъни бошқарув органларига юридик шахснинг вакили сифатида қарашади, ҳамда улар қонунчилик ва устав асосида иш олиб боришлари, шу сабабли улар ваколатнома ёки ишончномага муҳтож бўлмасликлари тўғрисидаги назарияни илгари суришади .

Бирок, фикримизча, бошқарув органига юридик шахснинг вакили сифатида қарашимиз нотўғри. Чунки, ваколатли вакиллик айнан ишончномага асосан иш олиб боради ҳамда улар фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг мустақил субъектидир. Бошқарув органлари эса ҳуқуқнинг мустақил субъекти ҳисобланмасдан, балки, юридик шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширувчи унинг таркибий қисмини ташкил қилади. Айнан корпоратив бошқарув органлари ҳуқуқ субъекти сифатида юридик шахснинг хоҳиш-иродасини ифодалайди, шакллантиради ва мазкур органларнинг ҳатти-ҳаракати юридик шахснинг ҳатти-ҳаракати ҳисобланади.

Бу ҳақда ҳуқуқшунос олим Д.И.Мейер шундай деб ёзган: “... юридик шахснинг органи тузилади, унинг ҳаракатлари юридик шахснинг ўз ҳаракатлари ҳисобланади: юридик шахснинг мавжудлигини тан олиш билан бирга, қонун ҳужжатлари бир вақтнинг ўзида унинг (юридик шахснинг) фаолиятини амалга оширадиган органларини белгилайди .

Рус цивилист олими Б.Б.Черепяхиннинг фикрича, барча ҳуқуқий муносабатларнинг амалдаги ва ҳақиқий иштирокчиси бу юридик шахснинг ўзидир . Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, агар юридик шахснинг органи ҳуқуқнинг мустақил субъекти бўлмаса, демак у юридик шахснинг вакили ҳам ҳисобланмайди.



Қонунчиликка кўра вакил – бу мустақил ҳуқуқ субъекти бўлиб, ваколат берувчи номидан муайян ҳаракатларни амалга оширишга ваколатли шахсни назарда тутди.

Бундай хулоса нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга ҳам эга: вакиллик тўғрисидаги нормалар юридик шахс номидан унинг органлари томонидан тузиладиган битимларга нисбатан қўлланилмайди. Юридик шахснинг органи қонун ҳужжатларида назарда тутилган ваколатлардан ташқари битимлар тузган тақдирда ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ва таъсис ҳужжатларида белгиланган ваколатлардан ошиб кетган тақдирда, низоли битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги нормалар қўлланилиши билан аҳамиятлидир .

Цивилист олим С.Д.Могилевский юридик шахс органининг куйидаги муҳим белгиларини ажратиб кўрсатган:

1. Юридик шахснинг органи юридик шахснинг бир ёки бир нечта жаисмоний шахслари томонидан бошқарадиган муайян институционаллашган қисмидир.
2. Юридик шахснинг органи қонун ва таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилади.
3. Юридик шахснинг органи муайян ваколатларга эга бўлиб, уларни амалга ошириш ўз ваколатлари доирасида амалга оширилади.
4. Юридик шахснинг иродаси ва хоҳишини ифодалаш юридик шахс органларининг қонун билан белгиланган махсус актларини қабул қилиш орқали расмийлаштирилади .

Шунингдек, жаҳон амалиётида жамият бошқарув органларини шакллантиришнинг икки хил ёндашув мавжуд: муаммоларни ҳал қилишнинг қонуний ечимини таклиф қилувчи романо-герман ҳамда бу соҳада компанияларга жуда кўп эркинликлар берадиган англо-америка амалиётидир . Англо-америкача ёндашувнинг яна бир ўзига хос хусусияти – унда компания органлари фаолияти, уларни бошқариш ва назорат қилиш билан боғлиқ масалаларни таъсис ҳужжатлари билан эмас, балки қонунлар билан тартибга солиш тенденцияси амал қилади. Бундан ташқари Ўзбекистон қонунчилигидаги корпоратив муносабатлар романо-герман амалиётига ёндашади.

Ўзбекистон қонунчилигига асосан жамиятнинг олий органи бу унинг иштирокчилари умумий йиғилишидир. Олий бошқарув органининг моҳияти унда ташкилотни яратиш ҳамда тугатиш, фаолияти юритишидаги асосий масалаларни ҳал қилиш ваколати мавжудлигидадир.

Умумий йиғилишнинг олий орган сифатида намоён бўлиши икки сабаб орқали юзага келган:

- Биринчидан, бу акциядорлик жамияти эгалари ёки акциядорлар иштирок этадиган орган;



- Иккинчидан, бу акциядорлар бевосита корпорацияни бошқариши ва ўзларининг манфаатларини амалга ошириш мумкин бўлган орган.

Фақат умумий мажлис жамиятни бошқариш тартибини белгилайди, уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, корпорациянинг мол-мулки ва умуман жамиятнинг тақдирини ҳал қилиш ваколатларига эга бўлади. Бу шу билан изоҳланадики, акциядорларнинг умумий йиғилиши бу – акциядорлик жамиятини бошқаришнинг анъанавий, тарихий, текширилган олий органидир. Бундай бошқарув органининг мавжудлиги акциядорлик капиталининг моҳияти ва жамият ишларини бошқаришда умумий мажлис орқали иштирок этувчи шахс сифатида акциядорларнинг мақоми билан белгиланган. Бунда акциядор учун энг муҳими акциядорлик жамиятининг муҳим масалалари, масалан, жамиятни тугатиш ёки қайта ташкил этиш, шунингдек вакиллик органини (кузатув кенгаши ёки директорлар кенгашини) танлаш бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга бўлиш ҳисобланади.

1996 йил 26 апрелда қабул қилинган “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунида умумий мажлиснинг ваколатлари, уни чақириш тартиби, қарорларини қабул қилиш тартиби каби қоидалар мустаҳкамланган.

Умумий мажлис қонун билан белгиланган мутлақ ваколатга эга бўлади. Унинг мутлақлиги шунда кўринадики, умумий мажлис ўзининг мутлақ ваколатлари доирасига кирган масалаларни бошқа бошқарув органларига бериш ҳуқуқига эга бўлмайди. Бунинг устига мутлақ ваколатлар таркибига жамиятнинг мавжуд бўлиши билан боғлиқ масалалар киритилган. Буларга: жамиятни тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш; жамият кузатув кенгашининг миқдор таркибини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш; эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш; унинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш; эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш; жамиятнинг устав фондини кўпайтириш; жамиятнинг устав фондини камайтириш; ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш; жамиятнинг аудиторини тасдиқлаш; жамиятнинг йиллик ҳисоботлари, баланслари, даромад ва харажат ҳисоб-китобларини тасдиқлаш; йирик битимлар тузиш ва бошқалар.

Жамиятда ҳар йили умумий йиғилишни ўтказиш мажбурияти ётади, иштирокчиларнинг умумий ҳисобот йиғилиши жамият уставига белгиланган муддатларда, аммо молия йили тугаганидан кейин кўпи билан олти ой ичида ўтказилади.

Шунингдек, йиллик умумий йиғилишдан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилиш навбатдан ташқари йиғилишдир. Акциядор (иштирокчи)ларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана ва уни ўтказиш тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорлар (иштирокчилар)га хабар бериш тартиби ҳамда умумий йиғилиш



мажлисини ўтказиш билан боғлиқ бошқа муҳим масалаларни кузатув кенгаши белгилайди.

